Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 9 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (13.158)

Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда



Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Шу йўлда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран англаймиз.

Кекса авлод вакилларининг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони фахрийларимизга эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчиларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

8 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

– Шу кунларда юртимизда, қишлоқ ва шаҳарларимизда, ҳар бир оила ва хонадонда каттаю кичик – барча ватандошларимиз 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини, Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 71 йиллигини кенг нишонламоқда, – деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. – Ана шу буюк ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни табриклаш, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаш мен учун катта шарафдир.

Шу билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун муқаддас масканга айланиб қолган мана шу Хотира майдонида туриб, жаҳон тарихидаги энг қонли, мислсиз қурбонлар, мусибат ва офатлар олиб келган урушда эришган ғалаба кунини нишонлар эканмиз, орадан шунча йиллар ўтганига қарамай мамлакатимизда бironта одам йўққи, ўша даҳшатли урушни, унинг асоратларини эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Шунинг учун ҳам бу қутлуғ айёмни, бир томондан, катта ғурур ва ифтихор билан, иккинчи томондан, кўзимизда ёш билан кутиб оламиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди давлатимиз раҳбари.

Тарихда буюк сана бўлиб қоладиган бу воқеа, яъни фашизм устидан ғалаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган кўпмиллатли минг-минглаб инсонлар қаторида 338 нафар юртдошимиз юксак қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлгани, қанча-қанча оталаримиз, боболаримиз ўз жонини фидо қилиб, жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани қалбимизга ҳақиқатан ҳам фахр туйғусини бағишлаши табиийдир.

Лекин фашизм балосига қарши курашда халқимизнинг қўшган энг катта ҳиссаси ҳақида гапирганда, юрагимизда умрбод битмайдиган яра, асорат бўлиб қоладиган оғир йўқотишлар яна ва яна хаёлимиздан ўтади.

Бу борада қуйидаги рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришга қурби етадиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ғалаба бизга нақадар қимматга тушгани ўз-ўзидан аён бўлади, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўйлайманки, ҳар қайси халқнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги, керак бўлса, одамийлиги ва инсонпарварлиги нафақат ўз яқинлари, балки бегона одамларнинг бошига мусибат тушганда улардан ўз меҳри ва ёрдамини аямаслигида яққол кўринади, синовдан ўтади.

Меҳр-оқибат – халқимизнинг энг олий, ноёб фазилати. Юртдошларимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни қабул қилгани, уларга бошпана бергани, ҳатто охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, "Сен етим эмассан" деб, уларни ўз бағрига олиб, меҳр-мурувват кўрсатгани халқимизнинг одамийлик фазилатлари, олижаноблигининг амалий намоёни бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан тирик ва барҳаётдир, деди Ислом Каримов. Ўтганларнинг хотирасини эсга олиш, уларнинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос азалий қадрият бўлиб келмоқда. Жанг майдонларида Ватан учун, бугунги ва эртанги авлодларнинг ёруғ кунларга етиши учун жон берган, ўзини фидо этган инсонлар хотирасини ёдга олсак, бугун ҳаёт бўлган фахрийларимизга қанча ҳурмат-эҳтиром ва эътибор кўрсатсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Аслида, содда қилиб айтганда, тарих – бу хотира дегани, ўтган аждодларнинг шонли ишлари, қаҳрамонликларини эслаш, ўтмиш воқеаларидан тўғри хулоса чиқариб яшаш деганидир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, биз бундан 17 йил олдин мамлакатимизда 9 май санасини Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиб, пойтахтимиз Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда Хотира майдонлари барпо этиб, бу майдонларда Мотамсаро она ҳайкалини ўрнатдик. Бошқача айтганда, хотира ва қадрлаш деган, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро боғланган иккита эзгу тушунча айни шу номда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Вақт ўтиши билан, қабул қилган бу қароримиз нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Халқимизнинг бу масканларга келиб, ўтганларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши яхши анъанага айланиб қолди. Бу майдонлар ҳақиқатан ҳам муқаддас зиёратгоҳларга айланиб, маънавий ҳаётимизни чуқур маъномазмун билан тўлдирмоқда, деди Юртбошимиз.

Инсоният тарихидаги энг мудҳиш ва бешафқат, беҳисоб йўқотишларга олиб келган урушни бошидан кечирган халқимиз доимо битта фикр билан яшайди: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин, остонамизга яқин келмасин. Бизга тинчлик керак, омонлик керак. Одамларимиз ҳар қандай давраларда, тўй-маъракаларда Яратгандан аввало шуни сўрайди.

Бундай қатъий қарашлар кўпни кўрган халқимизнинг онгу тафаккурига жуда чуқур кириб борган ва ёшу қари барча одамларимиз тинчликнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран англаб етгани ҳаммамизга аён.

Бунинг устига, дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликларни, яқин ва узоқ атрофимизда қонли тўқнашувлар кучайиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, бундай офатлар тинчлик ва барқарорликка нисбатан ўта жиддий хавф ва таҳдид солаётганини аҳолимиз жуда катта хавотир билан кузатмоқда.

Бизга қўшни Афғонистонда 35 йилдан буён беқарор вазият ҳукм сурмоқда ва ҳали-бери унинг охири кўринмаяпти. Экстремизм, терроризм деб ном олган, тобора кенгайиб бораётган хатарлар, фашизм деган бало яна майдонга чиқаётгани барча-барча юртдошларимизда ташвиш уйғотмоқда.

Бундай мураккаб ва таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда, деди Президентимиз. "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган шиор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик кайфиятларидан халос бўлишни, энг муҳими, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Ана шундай кескин вазият давлатимиздан, жамиятимиздан хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, чегараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қиладиган, зарур чораларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шулар қаторида:

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг салоҳиятини янада оширишга эътиборимизни кучайтириш;

Ўзбекистонимизнинг ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги ва мамлакатимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини қонун билан мустаҳкамлаб қўйганимизни бугунги мураккаб вазиятда ўзимиз учун энг маъқул ва тўғри йўл, деб биламиз, дея таъкидлади Президентимиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини катта хурсандчилик билан нишонлашга озгина вақт қолди.

Ўзбекистонимиз ана шу тарихан қисқа даврда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан ўтказмасин, унинг босиб ўтган йўли, ўсиш суръатлари, қўлга киритган ютуқ ва марралари жаҳон микёсида тан олингани ва кўпчиликнинг ҳавасини тортаётгани барчамизни қувонтирмоқда, қалбимизда ғурур-ифтихор уйғотмоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганининг ҳал қилувчи мезони ва омили аввало, меҳнатсевар, мард ва матонатли халқимизнинг юксалиб бораётган дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётга қараши тобора ўзгариб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий уй-жойлар халқимиз ҳаёт сифатини янада юксалтирмоқда. Бу ҳаракат самарасида қишлоққа тараққиёт кириб бормоқда, замонавий ахборот технологиялари одамлар турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади.

Мен ёш авлодимизга, менинг болаларимга қарата бўш келманглар, эртанги кун бизники, марра бизники, деб бежиз, асоссиз айтмайман. Бунинг чуқур маъно-мазмуни шундаки, вақт, йиллар ўтиши билан бизнинг сафимизни ким тўлдирмоқда? Аввало, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлган, янгича, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, ўзини намойиш этишга қодир бўлган навқирон ўғил-қизларимиз. Кўзлари ёниб турган бундай ёшларимизни яна қаерда – қайси давлат, қайси юртда топиш мумкин, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бугунги кунда узоқни кўзлаган мақсадларимиз, вазифа ва режаларимизни ҳам аниқлаб олганимиз, шу жумладан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2030 йилга бориб икки каррадан зиёд кўпайиши барчамизда эртанги кунимизга катта ишонч бағишлайди. Ва юртимизни янада обод қилиш, ҳаётимизни юксалтириш бўйича дунёдаги энг тараққий топган давлатлардан, эркин ва озод яшаётган халқлардан асло кам бўлмаймиз, иншоолло.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин, деди пировардида Президентимиз.

* * *

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида "Адолат ўғлонлари" кўрик-танлови ўтказилди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари қатнашди.

● Фарғонада болалар ва ёшлар учун "Шум бола – 2016" III ўзбек ва немис кинолари фестивали бўлиб ўтди. Германиянинг "Schlingel" болалар ва ўсмирлар учун фильмлар халқаро фестивали дирекцияси билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивалда немис киноижодкорлари томонидан суратга олинган энг сара 8 та фильм намойиш этилди.

● Навоийда фольклор жамоалари ва бахшиларнинг "Нурли наволар" республика фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фольклор-этнографик ансамбллар, бахшилар, оқин ва жировлар иштирок этди.

● Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-умумтаълим мактабида ёшлар маънавий тарбиясида тасвирий санъат ва бадиий адабиётнинг ўрни масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, Бадиий академия аъзоси, наққош ва мусаввир Аскарали Акбаров, рассомлар Комилжон Қамбаров, Ҳакимжон Ризаев ва бошқалар ўқувчиларга инсон камолотида санъатнинг ўрни ва ўз ижодий йўллари ҳақида гапириб, маҳорат сабоқлари ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Хитойда лой кўчиши натижасида камида 35 киши бедарак йўқолди.

● Австралия бош вазири мамлакат парламентининг тарқатиб юборилишини тасдиқлади. Парламентнинг янги таркибига сайловлар 2 июлда бўлиб ўтади.

● Россиянинг Амур областида кучли ёнғинлар келиб чиққанлиги туфайли фавқулодда ҳолат жорий этилди.

● Хитой 2036 йилгача Ойга фазогирлар юборишни режалаштирмоқда. Бу лойиҳа Хитойдаги биринчи геологик разведка ишлари олиб бориладиган Ой дастури бўлади. Хитой Коинот технологиялари академиясининг илмий ходими Пан Чжи Хаонинг айтишича, Ой миссияси учун Хитойда Ер атрофидаги орбитада камида 100 тонна юкни олиб чиқа оладиган қудратли ракетани яратиш ва қолган технологияларни такомиллаштириш, жумладан, янги скафандр тайёрлаш керак бўлади.

Иқтисодиёт

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОР УСУЛИ

Пойтахтимизда "Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида импортни қисқартириш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш стратегияси" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ички имконият ва захиралардан фойдаланишни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2000 йилдан бери ҳаётга татбиқ этиб келинаётган маҳаллийлаштириш дастурлари самарасида мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 220 баробардан ошган. 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 534 лойиҳа амалга оширилиб, қиймати 981,3 миллиард сўмлик ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилган.

2015 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси якунига кўра, жорий йилда аввал импорт қилинган 2,1 триллион сўмлик товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган. Бу 2016 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида импорт ҳажми 637,5 миллион долларга қисқаришини таъминлайди.

Маҳаллийлаштириш дастурлари экспорт ҳажмини ошириш ва маҳсулот етказиб бериш географиясини кенгайтириш, бунда юқори қийматга эга тайёр маҳсулотлар улушининг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2015 йилда кир ювиш машиналари, энергия тежовчи лампалар, косметика воситалари сингари 52 турдаги янги маҳсулот экспорт қилинган.

Анжуманда ишлаб чиқарувчилар учун жорий этилган солиқ ва божхона имтиёзлари экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида импортни қисқартириш ва экспортни кенгайтиришга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.БОЗОРОВ

ЖАМҒАРМА КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жамғарма таъсисчилари, кенгаш аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, ёши улуғ инсонлар учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, уларнинг саломатлигини асраш, кўнглини кўтариш, ҳурматини жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан йигирма йил олдин ташкил этилган Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг фаолиятида уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий кўмак кўрсатиш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Жамғарма ўтказаётган маърифий тадбирлар, ижтимоий лойиҳалар мустақиллигимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги тезкор ва глобаллашув даври ёшлар тарбиясига янада ҳушёрлик ва огоҳлик билан ёндашишни, маънавий-маърифий жараёнларда табаррук ёшдаги инсонларнинг тажрибаси, йўл-йўриқлари, насиҳатларидан унумли фойдаланишни талаб этмоқда.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. "Нуроний" жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Шуҳрат Усмонов Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

"Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси Т.Топволдиев, "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Ш.Уснатдинов, Фарғона вилояти бўлими кенгаши раиси Т.Холдоров, Қашқадарё вилояти бўлими кенгаши раиси Я.Иноятов ва бошқалар нуронийларга, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, жамғарма олдидаги муҳим вазифалар хусусида сўз юритди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРИ

Миллий матбуот марказида иқтисодиёт тармоқлари учун керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш самараларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Материалшунослик институти томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С.Лутфуллаев, Материалшунослик институти директори И.Отабоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Материалшунослик институти томонидан бу борада қатор илмий-амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Катта қуёш сандонидан фойдаланиб иқтисодиёт тармоқларида қўлланиладиган керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Газ саноатида маҳсулотни тозалашда ишлатилаётган керамик шарлар, енгил саноатда ип ўтказувчи воситалар, инфрақизил нурли лампалар устига қопланадиган материаллар бунга мисолдир.

– Қуёш энергетикасидан фойдаланиб иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш илм-фаннинг устувор йўналиши бўлиб, бу борада мамлакатимиздаги етакчи илм-фан марказлари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Испания, Франция, Италия, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг нуфузли илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, – дейди ЎзА мухбирига Материалшунослик институти директори ўринбосари, техника фанлари номзоди Шавкат Нурматов. – Айни пайтда давлат грантлари асосида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш, сувни тозалашда қўлланиладиган фильтрлар яратиш, саноат корхоналарида қувватларнинг чидамлилигини ошириш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида қаттиқ жисмлар физикаси, материалшунослик, қуёш энергиясини татбиқ этиш соҳаларида амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ва фан ютуқларидан амалиётда фойдаланиш самаралари ҳақида сўз юритилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА

"Қишлоқ қурилиш банк" томонидан замонавий банк технологиялари асосида яратилаётган қулайликларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

БАНКНИНГ ЯНГИ ХИЗМАТЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Унда бир пластик карточкадан бошқа пластик карточкага маблағ ўтказиш имконини берувчи "P2P" хизмати жорий этилгани маълум қилинди. Бунинг қулайлиги шундаки, банк мижозлари махсус сайтлар, мобиль иловалар орқали ўз пластик карточкаларидан бошқа жисмоний шахснинг пластик карточкасига пул ўтказа олади.

Банкда инфокиосклар орқали жисмоний шахсларнинг кредит тўловларини 24/7 режимида, ҳар куни 24 соат давомида қабул қилиш йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Банкнинг омонатчилар билан амалиётлар бажарилишида омонат дафтарчалари, омонат шартномалари, кирим ва чиқим ордерлари ахборотлаштирилган дастур орқали амалга оширилмоқда. "Sms-омонат" хизмати йўлга қўйилгани омонатчиларнинг вақтини тежаш ва сифатли хизмат кўрсатишда қўл келаётир. Минтақавий филиалларда шахснинг бармоқ излари намунасидан фойдаланиш "Биометрик идентификациялаш" тизими жорий қилинмоқда.

– Мазкур технология ғоят ишончли ва қатор афзалликларга эга, – дейди ЎзА мухбирига банк депозитларини жалб қилишни ташкил этиш бўлими бошлиғи Олимжон Муталов. – Мисол учун, омонат ҳисобварақларидаги маблағлар билан боғлиқ операциялар фақат омонат эгаси бўлган мижознинг бевосита иштирокида амалга оширилади, ва омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланади.

Матбуот анжуманида "Қишлоқ қурилиш банк" "Uzkart-EMV" тўлов тизимидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, терминаллар тармоғини кенгайтириш, "online" режимида ишловчи "Smart-vista" карточкалари муомалага киритилишини жадаллаштириш, улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги ишларни давом эттириши маълум қилинди.

С.ШОЕВА

Инновация

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛАШАДИГАН МАЙДОН

Шаҳримизда IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, вазирлик ҳамда олий ўқув юртлари масъул ходимлари иштирок этди.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари О.Парпиев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Қ.Абулниёзов ва бошқалар анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперация алоқаларининг янада кенгайишида, саноат тармоқларининг инновацион ривожланишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

2008-2015 йиллар давомида ўтказилган ярмаркаларда мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган 3900 га яқин инновацион ғоя ва технология намойиш этилди, 112 миллиард 600 миллион сўмлик 3100 дан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада 1 триллион 800 миллиард сўмга яқин қийматдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 59 номдаги янги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 54 та шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари яратилди. Юздан зиёд корхона ва фермер хўжаликларига илмий-техник хизматлар кўрсатилди.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида анъанавий бешта йўналиш – саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ҳамда фан-таълим соҳалари учун мўлжалланган 620 га яқин инновацион ғоя ва ишланма намойиш этилади.

Бу галги ярмаркада биринчи марта "Экотехнологиялар" йўналиши ташкил этилади. Унда атроф-муҳит муҳофазаси, тикланиши ва тозаланишини таъминловчи ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича республикамиз илмий ташкилотлари ва университетлари томонидан ишлаб чиқилган 50 дан зиёд технология намойиш қилинади. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг эътибори, сармоясини мамлакатимиз илмий муассасалари ва олий таълим даргоҳлари томонидан яратилган энг илғор технологияларга жалб этиш мақсадида "Юқори технологиялар" йўналишида 30 га яқин энг илғор инновацион технология тақдим этилади.

Ярмаркада истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, ташриф буюрувчилар эътиборига ёш олим ва талабалар томонидан яратилган 70 та ишланма ҳавола этилади. Шунингдек, III "Ёшларнинг инновацион ғоялари" республика кўрик-танлови ўтказилади.

Тошкент халқаро инновация форумида мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Швейцария, Болгария, Испания, Польша, Бельгия, Италия, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Япония сингари давлатлардан юзга яқин олим ва мутахассис иштирок этиши кутилмоқда. Форумнинг асосий мақсади глобаллашув ва замонавий таҳдидлар шароитида Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

Ярмарка доирасида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Япониянинг "Honda" фонди ва Япония сиёсий тадқиқотлар миллий институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон – Япония симпозиуми ўтказилади. Унда экотехнологияларни ривожлантириш истиқболлари ва татбиқ этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилади.

(ЎзА)

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Чилонзор туманида жойлашган Юнус Ражабий коллежида хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирокида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Тадбирга Тошкент шаҳар прокуратураси, Адлия, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ департаменти, Давлат солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар Архитектура қурилиш бош бошқармаси, Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси мутасаддилари, тадбиркорлар ва коллеж битирувчилари таклиф этилди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу фармон асосида қабул қилинган Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳамда коллежда таҳсил олаётган битирувчиларга етарлича маълумот беришди.

— Очиқ мулоқотни ташкил этишдан асосий мақсад бугунги кунда, тадбиркорликка оид қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан кичик бизнес субъектларига ва ўқувчиларга зарур маълумотларни етказиш ҳамда ёшларнинг таклифларини ўрганишга қаратилди, — дейди Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари Абдурашид Далибоев. — Бундан ташқари Чилонзор туманида фаолият юритаётган экспортёр ва саноат корхоналари фаолиятида вужудга келаётган муаммолар сўровнома орқали мониторинг қилинди.

Бу каби учрашувларни келгусида ҳам мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Қ.ЗОКИРОВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ – ЭЪТИБОР

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Тинчликобод" маҳалласида яшовчи Хуршида Фазлиддинова 19 ёшида фронтга кетган. Тинч океани флотида хизмат қилган. Урушдан кейин ҳисобчи бўлиб ишлаган.



Бу йил 93 ёшга кирган онахон фарзандлари, маҳалладошлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

– Урушни биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин, – дейди онахон. – Нобуд бўлган ёшлар, етим қолган болалар, ёнаётган шаҳарлар кўз олдимдан кетмайди, уларнинг даҳшатини сўзлаб беролмайман. Бу офат ҳеч қачон такрорланмасин. Бугунги бахтли ҳаёт тушимизга ҳам кирмаган, болам. Ҳамма ҳавас қиладиган фаровон юртда, тинч-осуда Ватанда яшаяпмиз, кўз тегмасин.

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилмоқда. Хуршида аянинг меҳнатлари ҳам муносиб қадр топган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ онахон "Жасорат"медали, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" юбилей медали билан мукофотланган.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тинчлигимиз, бугунги фаровон ҳаётимиз учун фидойилик кўрсатган кексалар ҳолидан хабар олинмоқда. Уларга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг совғалари топширилмоқда.

Туман ҳокимлиги мутасаддилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, шифокорлар, мактаб ўқувчилари Хуршида момони йўқлаб боришди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 18 апрелдаги фармонига мувофиқ, пул мукофоти, совғалар топширилди. Мактабнинг "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари онахоннинг уй юмушларига кўмаклашиб, таомлар тайёрлашди. Ёш шоиралар, санъаткорлар ижодидан намуналар айтиб, онахонни айём билан қутлашди.

– Инсонга эътиборнинг ўзи мукофот, – дейди ЎзА мухбирига онахон. – Биз, кексалар Президентимиз бошчилигида бутун халқимизнинг иззат-ҳурматини ҳис этиб яшаяпмиз. Бу бизга тетиклик, хурсандчилик бахш этмоқда. Ҳар куни тўю томоша, дастурхонлар тўкин, барака-ли. Шундай кунларга етказганига беадад шукрлар бўлсин.

Азима ҚИЁСОВА

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган "Хотирасиз келажак йўқ" номли тадбир бўлиб ўтди.

ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Унда марказ ходимлари ҳамда таклиф этилган меҳмонлар, ўқувчи ва мураббийлар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Биз миллат, Ватан, Истиқлол каби тушунчалар ҳақида сўз юритганимизда, хаёлимизда беихтиёр хотира туйғуси уйғонади. Инсон хотираси муқаддас, у ўз аждодларини эсга олиб, эзгу ишларни ёд этади. Муқаддас саналган бу тушунчаларнинг ҳаммаси хотира билан тирик. У нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги кунни ва келажакни ёркин тасаввур этиш, демакдир.

Хотира ва қадрлаш кунини ўтказишдан асосий мақсад тирикларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш, ўтганлар хотирасини ёдга олиш, улар бошлаган эзгу ишларни давом эттиришдир. Уруш даҳшатларини бир-бир хотирлаганда, қалбдаги битмас жароҳат ҳали-ҳануз кишиларни титроққа солади.

* * *

Худди шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги "Зиё" марказида ҳам бўлиб ўтди.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва кексалар учун чиройли байрам дастурхони ёзилди. Уларга иззат-ҳурмат кўрсатилиб, хотирага тўла ҳаёт йўллари ёшларга ибрат қилиб кўрсатилди. Шунингдек, Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 300 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва совғалар тантанали равишда топширилди.

Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

З. ШАРИФЖОНОВ

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Миробод тумани ҳокимлиги, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар учун хайрия тадбири ўтказилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори М.Расулов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибаси муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Фахрийларга бугунги тинчлик ва фаровонликка, ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссалари учун миннатдорлик билдирилди, байрам совғалари топширилди.

Нуронийлар ёшларга юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистондек бағрикенг диёрда яшаётганимдан фахрланаман, – дейди ЎзА мухбирига Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 94 ёшли Дмитрий Горбань. – Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшамоқда. Бу Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат, ижтимоий адолат самараси. Ҳар тонгни биз аъзоларимиз билан тинч-осуда қарши оламиз. Ҳолимиздан хабар олиб туришади. Фарзандларимга тинчлик улуғ неъмат эканлигини тушунтираман. Кексаларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор ва рағбатдан хурсандмиз.

Мўътабар отахону онахонлар тўкин байрам дастурхони атрофида яйраб суҳбат қурди. Концерт дастури барчага ҳуш кайфият бағишлади.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Қатағон қурбонлари хотираси" музейида шу мавзуда тадбир ўтказилди.

АЖДОДЛАР ЁДИ МУҚАДДАС

Унда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирок этди.

Партия марказий кенгаши раиси С.Отамуродов, музей директори Б.Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилаётган учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирларда бу янада яққол намоён бўлмоқда.

Партия бошланғич ташкилотлари ва "Ёшлар қаноти" фаоллари кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар хонадонларида бўлиб, уларнинг юмушларига кўмаклашмоқда. Бундай эзгу амаллар давомида ёшлар нуронийларнинг ҳаёт сабоқлари, панд-насиҳатларидан бахраманд бўлмоқда.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш ёш авлодни миллий анъана ва қадриятлар асосида, фидойи ва жонкуяр этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Фахрийлар бугунги дориломон кунларга шукрона билан яшаш лозимлиги, мустақилликни асраб-авайлаш ҳар бир фарзанднинг бурчи эканини қайд этди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири



Ёшлар — келажагимиз

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Тошкент иқтисодиёт коллежи 2009 йилдан Юнусобод туманида фаолият кўрсатиб келади. Бу ерда банк иши, молия, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишларда 1874 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Таълим муассасаси пойтахтимизда иқтисод соҳасига кадрлар тайёрлаб беришда етакчи коллежлардан бири ҳисобланади.

Коллежда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. 2 та компьютер ўқув хонаси, бухгалтерия ҳисоби ўқув амалиёт хонаси, банк иши амалиёт хонаси, физика, биология хоналари, спорт зал, фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

— Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумтаълим мактабини тугатиб ушбу коллежга ўқишга кирдим, — дейди 2-босқич ўқувчиси Азизбек Маҳмудов, — иқтисод соҳасига қизиққанлигим туфайли молия йўналишида таълим оляпман. Ўқувчилар бу ерда қайси фанни ўрганмоқчи бўлсалар, бунинг учун барча шароитлар яратилган. Келажакда яхши мутахассис бўлишимизда коллежда олган назарий ва амалий билимларимиз катта ёрдам беради. Масалан, мен яқинда "Ўзбекинвест" суғурта компаниясида амалиёт ўтадим.

— Бу йил коллежимизни 618 ўқувчи битиради, — дейди касбий таълим бўйича директор ўринбосари Ҳанифа Икромова, — шундан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчилар 545 нафарни ташкил этади. Ўқувчиларнинг бандлигини таъминлаш, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан олдиндан 4 томонлама шартномалар имзоланишини йўлга қўйганмиз. Бугунги кунгача Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган ўқувчиларимиздан 448 нафари 4 томонлама шартномаларни расмийлаштирган. Банк иши бўйича ўқиётган ўқувчиларимиз тижорат банкларида, молия йўналишидагилар молия бўлимларида, пенсия жамғармаларида, бухгалтерия ҳисоби йўналишидаги ўқувчиларимиз эса корхоналарнинг бухгалтерияларида, статистика бошқармасида диплом олди амалиётини ўташади.

